

Лола АЗИМОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
ўқитувчиси



ДИНИЙ-БАДИЙ АДАБИЁТ ВА УНИНГ КЎРИНИШЛАРИ

Халқ маънавиятини юксалтириш ва ривож-
лантириш Ўзбекистонда давлат ва жами-
ятнинг энг муҳим вазифасидир. Дарҳақиқат,
“Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш
ва авлодлардан авлодларга қолдириш давла-
тимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўна-
лишларидан биридир”¹³. Зеро, “...тарихимиз,
маданиятимиз, динимизга алоқадор бир варақ
қўлёзма бўлса ҳам, уларни тўплаб, халқимиз-
ни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қан-
дай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини
англатиш, фарзандларимизни шу улуғ меросга
муносиб этиб тарбиялашдан иборат”¹⁴дир. Шу
жиҳатдан, бугунги кунда ислом тарихига оид
диний-бадий асарларни ўрганиш ва тадқиқ
этиш халқ маънавий тақомилида муҳим омил
бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, ўзбек ада-
биётида мавжуд диний-бадий асарларни ўр-
ганиш, уларнинг маърифий жиҳатларини ёри-
тиш ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб масала
ҳисобланади.

¹³ Шавкат Мирзиёевнинг ИХТ Ташқи ишлар
вазирлари кенгашининг 43-сессиясида “Таълим
ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл”
мавзусида сўзлаган нутқи. 2016 йил 18-19 октябрь

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг «Ижтимоий барқарорликни
таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини
асраш – давр талаби» мавзусидаги анжуманда
сўзлаган нутқи, 2019 й 15 июнь. Uza.uz

Маълумки, Мовароуннаҳр ҳудудида
ёйилган ислом дини муайян даражада мада-
ний-маърифий тарбия ролини ўтаган ва халқ-
нинг бадий тафаккури, маънавий ҳаётига
таъсир кўрсатган. Бу ҳол юртимизда ўзига хос
диний-бадий асарлар яратилишига ва халқ
орасидан чиққан истеъдодли ижодкорларнинг
ўз номини кўрсатмасдан халқ қиссалари ярати-
шига олиб келди. Шу маънода, диний адабиёт
ислом ғоялари, принциплари, меъёрлари, ту-
шунчалари ва идеалларини бадий ифодала-
ган асарлар бўлиб, туркий адабиётда ҳам ўзига
хос адабий манбалар сифатида ўз ўрнини топ-
ди. Бундай тоифадаги асарларнинг яратилиши-
да муайян асослар бўлган, албатта. Жумладан,
бунда асосан араб адабиётида юзага келган
агиографик асарларнинг таъсири устувор аҳа-
мият касб этган.

Дастлаб араб адабиётида агиографик асар-
лар Муҳаммад (с.а.в.) ҳаёти билан боғлиқ сий-
раларда акс этган. Хусусан, саҳобаларнинг Пай-
ғамбар ҳақидаги хабарлари, нақллари ва VIII
асрнинг иккинчи ярми – IX асрларда Ибн Исҳоқ
ва Ибн Ҳишомнинг “Сийрат ан-набий” каби
асарлари агиографик адабиётнинг дастлабки
намуналари ҳисобланади¹⁵. Шунингдек, Муҳам-
мад (с.а.в.) ҳаёти, ҳарбий юришлари ҳақидаги


¹⁵ Беляев Е.А. Арабы, ислам и арабский халифат в
раннем средневековье, – М.: Наука, 1960. – С. 86-87.

хабарлар жамланган “Мамлакатларнинг забт этилиши ҳақидаги китоб”, “Ҳарбий сафарлар китоби” (“Китаб ал-мағози”) каби жангнома характеридаги асарларни ҳам тилга олиш мумкин¹⁶. Мазкур дастлабки ёзма манбалар таъсирида X–XII асрнинг биринчи ярмидан бошлаб форсий ва туркий тилларда жуда кўплаб агиографик асарлар юзага кела бошлади¹⁷. Хусусан, ислом ғояларини ёйиш учун жонбозлик кўрсатган тарихий шахслар, жумладан, Пайғамбар (с.а.в.), саҳобалар (айни пайтда халифалар), ҳазрати Али ва унинг авлодлари ҳаётини ёритувчи тарихий-бадий қиссалар, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Баҳроуддин Нақшбанд, Юсуф Ҳамдоний ва бошқа кўплаб шайхлар, авлиёлар, мутасаввифлар, шоирлар ижоди ҳамда улар фаолиятини ёритувчи сўфиёна асарлар шулар жумласидандир. Шу жиҳатдан, диний-бадий адабиёт ҳам асосан икки кўринишда ривожланиб, такомиллашиб борди:

Биринчидан, тарихий шахслар – Пайғамбар, саҳобалар ҳаёти, фаолияти ва қаҳрамонликлари акс этган тарихий-жангнома характеридаги асарлар: Носируддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асари (XIV аср), “Қисасул анбиё” ва бошқалар.

Иккинчидан, шайхлар, авлиёлар, мутасаввифлар, шоирлар ижоди ҳамда уларнинг ҳаёти ёритилган маноқиб, мақомотлар ёки сўфиёна характердаги асарлар. Жумладан, Абулмуҳсин Боқирнинг (XIV аср) “Мақомоти Баҳроуддин Нақшбанд” (XIV аср), Абулхайхонанинг (XV аср) “Мақомоти Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор”, Фаҳриддин Али Сафийнинг (XV аср) “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” асарлари ва бошқалар. Мазкур диний мазмундаги асарларнинг ҳар икки кўринишида ҳам дидактик характер кучли. Ушбу асарларда тарихий маълумот сақланган бўлса,

давр ўтиши билан тарихий шахслар, тариқат шайхлари, авлиёлар, шоирлар ҳаёти, фаолияти афсона ва ривоятларга кўчди. Тарихий ҳақиқат бадий тўқималар билан уйғунлаштирилиб, сюжети қизиқарли асарларни юзага келтирди. Тарихий шахслар халқ истак-орзусини ўзида мужассамлаштирган афсонавий образ, халқ идеали сифатида талқин этилди. Бу жараён жуда кўплаб тасаввуфий ва жангнома характеридаги халқ китоблари (ёки қиссалари)нинг яратилишига сабаб бўлди.



Бинобарин, ўзбек адабиётида диний мазмундаги халқ китоблари кўп бўлиб, уларнинг аксарияти яқин-яқингача турли йиғин ва махсус уюштирилган кечаларда қиссахонлар томонидан севиб ўқилган¹⁸.

Шу жиҳатдан, диний-бадий адабиёт, асосан илмий тадқиқотчиликда агиографик, яъни таржимаи ҳол ва саргузашт жанрини уйғунлаштирган ҳолда юзага келган асарлар ҳисобланади¹⁹. Унга қуйидагилар хосдир:

¹⁶ Назаров Б. Ислом агиографияси тизимида мақомотнинг ўрни ва унинг бадий-услубий хусусиятлари (Баҳроуддин Нақшбанд мақомотлари асосида). Филол.фан. док.дис...– Т.: 2000. – Б. 20.

¹⁷ Беляев Е.А. Арабы, ислам и арабский халифат в раннем средневековье, – М.: Наука, 1960. – С.23.

¹⁸ Ҳазрат Али ҳақида қиссалар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи С. Рафъиддин. –Т.: Ёзувчи, 1992. – Б.4.

¹⁹ Литературная новая энциклопедическая словарь. – М.: Мысль, 2003. – С.105.

1) тарихий воқеликни бадий тасвирлаш ва ғоявий асосларни бўрттириб кўрсатиш;

2) тўқима образлар қўшиш ва асарнинг эстетик жиҳатини кучайтириш;

3) ислом асосларига дахли бўлмаган миллий воқелик, ҳодиса ва вазиятларга диний бўёқ бериш;

4) миллий шароит ва анъаналарни диний тарзда тасвирлаш;

5) авом халқ онгига диний ғояларни сингдириш²⁰.

Шунингдек, диний-бадий адабиёт икки вазифани бажарган: биринчидан, оддий одамлар онгига ислом ғояларини сингдириш; иккинчидан, одамлар онгида диний арбоблар образини идеал даражада шакллантириш. Бу иш онгли ва мақсадли равишда кучли ижодкорлар томонидан амалга оширилган. Қизиғи шундаки, мазкур ишда халқ китобларининг муаллифлари номи иккинчи даражали ҳисобланган ва бу ҳолни омма табиий қабул қилган²¹.

Мовароуннаҳрда диний-бадий адабиётларни яратиш тахминан IX аср охири – X аср бошларида бошланди²². Бунда ҳазрати Али ва унинг авлодлари ҳақидаги воқеаларни тасвирлаш етакчи ўринда туради²³. Бунинг қуйидаги сабаблари бор:

1) Мовароуннаҳрда ҳазрати Али ва унинг авлодларини маънавий ҳимоя қилиш ҳаракати бўлган;

2) Ислом ғояларини ғазотдан кўра кўпроқ маърифий усулда тарқатиш афзал кўрилган.

Ҳазрати Али ва унинг авлодлари ҳақидаги қиссаларда бадий бўёқ ниҳоятда кучли берилган. Уларга қуйидаги хусусиятлар хос:

– ҳазрати Алини чексиз паҳлавон (“алп”) сифатида кўрсатиш;

²⁰ Ўша асар. – С.106.

²¹ Бертельс Е.Э. Тюркская суфийская поэзия. / Вестник САГУ, 1938. – № 2. – С.45-46.

²² Новая исломская энциклопедия. – М.: ИИВ, 2008. – С. 104.

²³ Ҳазрати Али ҳақида қиссалар. – Т.: Меҳнат, 1992. – Б. 14.

– унинг қиличи – “Зулфиқор”ни ундан бошқа ҳеч ким кўтара олмайдиган салобатли қурол сифатида тасвирлаш;

– унга “Шери Худо” сифатини бериш;

– ўлканинг энг муҳим, боҳаво жойларини унинг қадамжоси сифатида талқин қилиш (масалан, “Шоҳимардон” қадамжоси);

– унинг отини Дулдул, яъни шамолдек учқур деб аташ;

– тасвирларга шеърӣ бўёқларни қўшиб, эмоцияни кучайтириш²⁴.

Диққат қилинса, бунда икки манбанинг таъсири кучли: биринчиси, сийраларда тасвирланган Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ҳаёти; иккинчиси, миллий дoston – “Алпомиш”нинг таъсири. Бир сўз билан айтганда, мазкур халқ китобларида қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

а) Ҳазрати Алини Пайғамбардек (с.а.в.) адолатли шахс сифатида тасвирлаш;

б) Ҳазрати Алини Алпомишдек ор-номус ва эътиқод йўлида курашувчи қилиб кўрсатиш;

в) Ҳазрати Али авлодларининг дин ва давлатни ҳимоя қилувчи кишилар бўлганлигини омма онгига сингдириш.

Бундан кўринадики, ҳазрати Али ҳақидаги халқ китобларида қайд этилган бу хусусиятлар уларнинг ўқишли чиқишига ва омма орасида кенг тарқалишига сабаб бўлган. Бунда албатта форс-тожик адабиётининг таъсири ҳам юқори бўлган. Чунончи, диний-бадий асарларнинг аксарияти таржима асарлар ҳисобланади.

Маълумки, собиқ шўро даврида ўзбек адабиётшунослигида диний-бадий адабиётга нисбатан икки муносабат мавжуд эди: биринчиси, уларни мистика сифатида қабул қилиш ва атеистик нуқтаи назардан зарарли деб баҳолаш²⁵; иккинчиси, диний адабиётдаги дунёвийлик хусусиятларига урғу бериб, уларни

²⁴ Қаранг: Ўша манба. – Б.14-19.

²⁵ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб. Дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – Б.106.

ўрганишга интилиш²⁶. Иккинчи ёндашув нисбатан тўғри эди. Чунки диний-бадий адабиётда диний ва дунёвий руҳ уйғун келади. Диний руҳ дин, имон ва ахлоқ тарғиботида асосланса, дунёвий руҳ тарбия, маънавият ва даъватни биринчи ўринга қўяди. Бундай хусусият жаҳон адабиётида кам учрайдиган ҳодиса ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида диний-бадий адабиёт анъанавий равишда нашр этилди ва уларга маърифат манбаи сифатида қаралди. Бугунги кунда шунингдек, диний-бадий адабиёт илмий нуқтаи назардан жиддий таҳлил қилинмоқда. Бундан ташқари, жаҳон адабиёт-шунослигида адабиётнинг бу йўналишига доир жиддий тадқиқотлар юзага чиқди²⁷. Шу маънода туркий тилли диний-бадий адабиёт кенг кўламда тадқиқ этишни тақазо этади.

Кузатишлар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, туркий тилдаги диний-бадий адабиёт қуйидаги ривожланиш босқичларига эга:

1) IX–XII асрларда диний-бадий адабиёт юзага келди ва у миллий халқ китобларидан фойдаланди.

2) IX–XIX асрлар. Бу даврда диний-бадий адабиётнинг юксак намуналари яратилди ва унда миллий халқ китобларидан фойдаланиш сақланиб қолгани ҳолда, тарихий воқелик юксак пафосда тасвирлана бошланди.

3) XX асрда диний-бадий адабиёт миллий тадқиқот объектига айланди.

Диний-бадий адабиёт ривожини бундай босқичларга бўлиш уларни тизимли равишда тадқиқ этиш имконини беради. Зеро, диний-бадий адабиёт учун қуйидаги хусусиятлар характерлидир:

- а) диний ва дунёвий мазмун уйғунлиги;
- б) тарихий воқеликни бадий тасвирлаш;

в) образларни бўрттириб кўрсатиш;

г) мифологик унсурлардан унумли фойдаланиш;

д) эстетик жиҳатни кучайтириш мақсадида эмоцияли шеърлар қўшиш.

Бу хусусиятлар диний-бадий адабиётнинг омма орасига кенг тарқалиши ва уларнинг ўқишли чиқишига асос бўлган. Омма бу адабиётлардаги қаҳрамонларни (образларни) идеал кишилар сифатида қабул қилган. Шунингдек, оммада эзгулик ва ёвузликни фарқлаш, адолат учун курашиш, ҳақиқатга интилиш каби хислатлар юзага келган.

Ҳазрати Али ва унинг авлодлари ҳақидаги диний-бадий адабиёт намуналарига ҳам бу хусусиятлар хосдир. IX–XIX асрлар давомида мазкур адабиёт диёнатдан сабоқ бериб келди. Ҳатто муаллифи номаълум халқ китобларида ҳам бу хонадон фаолияти тасвирига алоҳида саҳифалар ажратилган²⁸.

Шундай қилиб, диний-бадий адабиёт ўзига хос характерли хусусиятларга эгаллиги билан диққатни тортади. Бу борада таъкидланган фикрлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, туркий тилдаги диний-бадий адабиёт IX–XIX асрлар давомида яратилган. Унинг пайдо бўлишига араб ва форс адабиётидаги шу шаклдаги йўналиш таъсир кўрсатган.

Иккинчидан, диний-бадий адабиётда диний ва дунёвий руҳнинг уйғунлиги, тарихий воқеликка асосланиш, поэтик бўёқдорлик ва ғоявий-маърифийлик хосдир. Уни кенг кўламда тадқиқ этиш ва муайян хулосаларга келиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Учинчидан, Ҳазрати Али ва унинг авлодлари ҳақида ҳам бир талай диний-бадий адабиёт намуналари яратилган. Бунда Ҳазрати Алининг авлодлари ва Карбало воқеаси асосий манба сифатида олинган.

²⁶ Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти. 2-китоб. Дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – Б.34.

²⁷ Қаранг: Канов А. Агиография. –М.: Мысль, 1995; Зебгенов Н. Агиографическая литература. – М.: Радуга, 1999; Анисева Н. Брюкова Л. Литература и религия. –М.: Пан-Терра, 2003 ва ҳ.к.

²⁸ Қаранг: Навбаҳорий З. Дуррул-мажolis. –Т.: Меҳнат, 1991. Рабғузий Н. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Т.: Ёзувчи, 1992, ва ҳ.к.